ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА САНОАТ МАЖМУАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА В ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

FEATURES AND TRENDS OF DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL COMPLEX IN THE TASHKENT REGION

Nilufar BATIROVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Senior lecturer of the department Islamic economics and finance, pilgrimage tourism
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/TLOI/2020/3/22

Аннотация: Ушбу мақолани ёзишдан мақсад, инновацион жиҳатга урғу берган ҳолда минтақанинг саноат мажмуасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш ва асослаш ҳисобланади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда минтақада корхоналарнинг ўзаро интеграцияси негизида муносабатларнинг янги турлари ва инновацион жараён иштирокчиларини ўзаро ҳамкорликларини янги шакллари пайдо бўлмоқда. Замонавий иқтисодиёт шароитида минтақа саноат мажмуасини рақобатли ривожланиш модели янгиликларни ишлаб чиқариш жараёнида фаол бўлган турли иштирокчиларнинг ўзаро самарали ва кенг доирадаги муносабатига асосланмоқда. Бу эса янги йўналишлар ва шаклларни талаб этмоқда. Саноат мажмуасини инновацион жиҳатларини кучайтириш ва ривожлантириш зарурияти, янги тизимли ўзаро таъсирларнинг тенденциялари ва ривожланиш хусусиятларини баҳолаш асосида саноат тизимини инновацион ривожлантириш учун янги ўзгартирилган ташкилий ва иқтисодий механизмаларни излашни ўз ичига олади. Шу билан бирга, инновацион иқтисодиётга ўтиш жараёни объектив кучларни минтақанинг инновацион ривожланишини бошқаришнинг тизимли методологиясини шакллантиришга йўналтириш зарурияти билан чамбарчас боғликдир. Шу сабабли, мақолада вилоятнинг саноат ривожланишининг тенденциялари таҳлил қилинган. Саноат ишлаб чиқариши ўсишини интенсив омиллари бирма бир кўриб чиқилган. Вилоятда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда асосий фондлар ҳолати ўрганилган. Шунингдек, инновацион-инвестицион омилларнинг таъсирини баҳолаш асосида вилоятга баҳо берилган. Хулосада мавжуд ҳудудлар ўртасидаги номувозанатлиликни йўқотиш, саноат мажмуасининг янги юқори технологик тармоқ соҳаларини тараққий эттириш бўйича ишларни жадаллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. *Минтақа, ҳудуд, вилоят, баҳолаш, асосий восита, инновация, технологик инновация, модернизация, фан-техника, экспорт, ишлаб чиқариш, хориж капитали.*

Аннотация: Целью статьи является теоретическое обоснование и разработка организационно-экономического механизма формирования и развития регионального примышленного комплекса, где доминирующее положение принадлежит инновационным компонентам. Следует отметить, что в течение последних лет в регионе наблюдаются тенденции углубления новейших форм отношений и взаимосвязей на базе расширения межотраслевой и отраслевой интеграции предприятий промышленности, прослеживается ход образования форм региональных промышленных систем, создаются предпосылки для появления новых форм интегрированного сотрудничества субъектов инновационного процесса. В современных условиях актуальная модель конкурентного развития промышленного комплекса региона основывается на широком и эффективном взаимодействии различных участников процесса разработки и коммерциализации новшеств, что требует поиска форм и направлений ее усиления. Необходимость усиления инновационного компонента промышленного комплекса, способствующего его инновационному развитию, предполагает поиск нового модифицированного организационно-экономического механизма инновационного развития промышленной системы на основе оценки тенденций и особенностей развития новых системных взаимодействий. Между тем, процесс перехода к модели инновационного развития объективно тесно связан с необходимостью концентрации усилий на вопросах формирования системной методологии управления инновационным развитием региона. В статье основное внимание уделено разработке организационных и экономических механизмов инновационного развития регионального промышленного комплекса. В частности, уделено внимание интенсивным факторам роста промышленного производства. Для достижения цели в статье были поставлены и решены несколько основных задач. Изучено состояние основных фондов развития промышленного производства в регионе. Регион также оценивался на основе влияния инновационных и инвестиционных факторов. Проанализировано современное состояние и тенденции развития промышленности в Ташкентской области, изучены основные предпосылки создания инновационной промышленной системы региона и оценены тенденции инновационного развития промышленности в Ташкентской области. В заключении даны рекомендации по устранению дисбаланса между существующими регионами, а также по ускорению развития новых высокотехнологичных производств промышленного комплекса.

Ключевые слова. *Регион, территория, оценка, основные средства, инновации, технологические инновации, модернизация, наука и техника, экспорт, производство, иностранный капитал.*

Abstract. The aim of the article is the theoretical justification and development of the organizational and economic mechanism for the formation and development of a regional intentional complex, where innovative components dominate. It should be noted that in recent years in the region there have been trends in the deepening of the newest forms of relations and interconnections based on the expansion of inter-sectoral and sectoral integration of industrial enterprises, the progress of the formation of forms of regional industrial systems is traced, prerequisites are created for the emergence of new forms of integrated cooperation of the subjects of the innovation process. In modern conditions, the current model of the competitive development of the industrial complex of the region is based on the broad and effective interaction of various participants in the development and commercialization of innovations, which requires a search for forms and directions of its strengthening. The need to strengthen the innovative component of the industrial complex, contributing to its innovative development, involves the search for new modified organizational and economic mechanisms for the innovative development of the industrial system based on the assessment of trends and development features of new system interactions. Meanwhile, the process of transition to a model of innovative development is objectively closely related to the need to concentrate efforts on the formation of a systematic methodology for managing the innovative development of the region. The article focuses on the development of organizational and economic mechanisms for the innovative development of the regional industrial complex. In particular, attention is paid to the intensive factors of industrial production growth. To achieve the goal, several main tasks were set and solved in the article.. The state of fixed assets for the development of industrial production in the region has been studied. The region was also evaluated based on the influence of innovation and investment factors. The current state and trends in the development of industry in the Tashkent region are analyzed, the basic prerequisites for the creation of an innovative industrial system in the region are studied, and trends in the innovative development of industry in the Tashkent region are evaluated. In conclusion, recommendations are given for eliminating the imbalance between the existing regions, as well as for accelerating the development of new high-tech industries of the industrial complex.

Keywords. *Region, territory, assessment, fixed assets, innovation, technological innovation, modernization, science and technology, export, production, foreign capital.*

КИРИШ

Ҳар бир минтақа саноатини фан-техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланган ҳолда ривожлантириш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир. Тошкент вилоятида озиқ-овқат, ёқилғи, машинасозлик тармоқларида модернизациялаш бўйича юқори технологияларни жорий этилиши сўнгги йилларда саноатда меҳнат унумдорлигини барқарор ўсишини таъминлаб келмоқда. Саноат ишлаб чиқариш қувватларини ошиши минтақанинг ЯҲМ таркибида саноат ҳиссасининг ошишига олиб келмоқда. Минтақадаги саноат ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ҳамда замонавий инновацияларга асосланган юксак самарали технологияларни жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши экстенсив омилларни кўпайтириш ҳисобига эмас, балки тизимли бозор иқтисодиёти шароитида ҳар томонлама ўйланган кетма-кет амалга оширилувчи сиёсат, хорижий инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиётда чуқур тизимли ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янгилаш, янги экспортга йўналтирилган тармоқлар ва корхоналарни ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига амалга ошмоқда. Бу эса минтақани республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллашида асосий омиллардан бирига айланишига сабаб бўлмоқда.

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ

Республикада инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида минтақада саноатни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Мақолани ёзиш жараёнида минтақада инновацион ривожланишнинг назарий ва амалий жиҳатлари таққосланди, шунингдек, очиқ статистика маълумотларини таҳлил қилиш асосида таклиф ва тавсиялар берилди. Умумий илмий-тадқиқот усуллари қўлланилди.

Саноат мажмуаси-жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожланиш даражасига асосий таъсир кўрсатувчи иқтисодиёт тармоғи сифатида ўрганиш Англияда бошланган бўлиб, кейинчалик бутун дунёни қамраб олди. Қадим тарихдан бошлаб, “Архашастра”да, Ксенофонт, Т.Мор, Томас Ман ишларида саноат ривожланишини назарий ва услубий асослари шакллантирилиб, ривожлантирилди *(Dobrinin A.I., 1999:30)*.

А.Смит, С.Сисмонди, Сен Симон, Д. Лист саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий ўсишга таъсир этувчи энг муҳим омил деб ҳисоблаган. Т. Веблен, Ж.К. Гелбрейт, Евгений Преображенский каби олимларнинг ишларида саноатда ишлаб чиқаришни ривожланиши меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш жараёнини яхшилаш, самарадорликни ошириш, техник асос даражаси, малака ва билим билан тавсифланиши исботланган. Саноат тармоғини ўсиш даражаси ва бозордаги ҳиссаси ўртасидаги муносабат, ҳудудий ишлаб

чиқариш мажмуалари М.Портер ва Н.Колосовский ишларида тадқиқ этилган. Улар ўз ишларида биринчи марта “иқтисодий тараққиётнинг махсус ҳудудлари бўлмиш ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари”ни ташкил этишнинг муҳимлигини асослаб берди *(Zaynutdinov SH., 2011:15)*.

Саноат ривожланишида инновациянинг ўрни ва аҳамиятининг хусусиятлари А.И.Добрынин, С.А.Дятлов, Р.И.Капелюшников, Л.Г.Симкина, А.В.Корицкий, Ю.А.Корчагин, И.В.Скоблякова сингари олимлар томонидан ўрганилган *(Maxmudov E., 11:5)*.

МУҲОКАМА

Тошкент вилояти тоғ-кон саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича республикада етакчидир. Қибрай тумани ва Ангрен шаҳрида жойлашган гидро ва электр энергия станцияларида республика электр энергиясини 23,3%ни ишлаб чиқаради. Кўмир қазиб олинувчи Ангрен кони эса ушбу ҳом ашёга бўлган талабни тўлиқ қондиради.

Минтақа 15 та туман ҳамда 7 та шаҳардан иборатдир *(Batirova N., 2018:52)*. Ушбу вилоят туманлари ўзининг саноат салоҳиятини ривожланганлиги нуқтаи назаридан республиканинг бошқа вилоятига қарашли туманларидан юқори ҳисобланади. Вилоятда жами 6846 та саноат корхоналари мавжуддир. Шундан 5912 таси кичик корхоналар бўлиб, улар жами саноат маҳсулотини 30-32,5%ини ишлаб чиқаради. Жами саноат корхоналарнинг 13-14%ини ташкил этувчи йирик корхоналарга саноат ишлаб чиқаришнинг асосий қисми тўғри келади, ҳамда ушбу корхоналар вилоят миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар ва туманларда жойлашгандир (Олмалиқ, Бекобод, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарлари, Зангиота ва Қибрай туманлари).

Туманларнинг ишлаб чиқариш таркиби, аҳолининг турмуш шароити, бошқариш механизмлари, ушбу туманларнинг бошқа туманлар билан ўзаро иқтисодий алоқалари вилоятнинг ривожланиш имкониятларини белгилайди. Туман ва шаҳарларнинг иқтисодий салоҳияти, молиявий ресурсларга эгалик, фан-техника тараққиёти ютуқларини ҳаётга татбиқ этилиш даражаси минтақа саноати ривожланишининг асосий омилларидан биридир. Туманларнинг фойдали қазилмаларга эгалиги, фойдаланиш учун қулай бўлган электр энергиясининг мавжудлиги вилоятни республиканинг муҳим минтақасига айлантирди *(Batirova N., 2018:159)*.

Минтақа саноати ҳолатини ўрганиш, минтақа ривожланишини ўзига хос моделини аниқлаш, ушбу ҳудудни бошқа ҳудудлар билан ўзаро алоқадорлик самарадорлигини таққослаш, фақатгина, ушбу минтақанинг ривожланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш ҳисобига амалга ошириш мумкин. Минтақавий саноат мажмуасини ривожлантириш хусусиятларини ўрганиш учун, аввало, Тошкент вилоятини саноат мажмуаси бўйича маълумотлар базасини тизимлаштириш ва ўрганиш зарурдир. Бу ўринда, минтақа саноатида асосий ўринни эгалловчи шаҳарлардан бўлган Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ ва Бекобод шаҳарлари ҳамда Зангиота туманларига асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир *(Gulyamova G., 2019:38)*.


Минтақадаги ҳудудларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси турлилиги вилоятда саноат ишлаб чиқаришини нотекис тақсимланганини кўрсатади. Вилоятнинг учтагина шаҳри бутун ҳудуднинг 56% саноат маҳсулотларини (Олмалиқ, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари) ишлаб чиқаради. Ушбу шаҳарларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариши ҳатто 2 %ни ҳам ташкил этмайди. Саноат ишлаб чиқаришда кам ҳиссани ташкил этувчи туманлар эса (Оҳангарон, Бўка, Бекобод, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Паркент, Пискент) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг салкам ярмини (43,3%) беради. Ҳудудларнинг йиллар давомида минтақа саноати ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси деярли ўзгармаган *(Batirova N., 2019:40)*.

Бу эса вилоят туманларининг маълум бир қисми саноатга, бошқалари эса қишлоқ хўжалигига ихтисослашганини кўрсатади. Минтақа туманларининг саноат ишлаб чиқариши ҳиссасида ушбу фарқи меҳнат ресурслари, табиий хом ашё, молиявий имкониятларининг вилоят бўйлаб турли хилда тақсимланганлиги билан изоҳланади.

Юқоридаги таҳлил, вилоятнинг фақатгина саноат бўйича устун туман ва шаҳарларини кўриш имкониятини беради, аммо минтақа саноат имкониятларини баҳолаш имконини бермайди. Тошкент вилояти саноат салоҳияти бир неча усулларда баҳоланиши мумкин. Салоҳиятни саноат ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда ишлаб чиқариш мажмуаларини иқтисодий манфатларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш мумкин. Аммо бундай ҳисоб-китоб саноат салоҳиятини баҳолаш учун зарур статистик кўрсаткичларнинг етарли эмаслиги билан чекланади. Шунингдек, бу формула минтақа саноат мажмуасини ривожланиш омилларининг тор доираси билан изоҳланади (*Mahkamova M., 2004:23)*.


Бошқа методикага кўра минтақа саноат салоҳиятини баҳолаш саноатни алоҳида тармоқларини ривожланиш индексларини ҳисоблаш ҳамда кейин консолидациялашган индексни ҳисоблаб чиқариш билан изоҳланади. Ушбу услуб алоҳида турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб

чиқариш маълумотларига асосланган ҳолда босқичма босқич умумсаноат индексини ҳисоблашга йўналтирилгандир *(Kalininina K., 2011:45)*. Бунда минтақа саноатини ривожланиш хусусиятларини ўрганиш учун саноат мажмуаси тармоқларга бўлинади, тармоқлар эса субтармоқларга бўлинади. Ҳар бир субтармоқ учун етакчи саноат тармоқлари "саватчаси" шаклланади. Ҳисоб китоб уч босқичда амалга оширилади. Аммо ушбу методика натижага алоҳида омилларнинг таъсирини баҳолаш имкониятини бермайди, бу эса минтақа саноатини ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган аниқ омилларни таҳлил қилишда қийинчилик туғдиради. Шу сабабли, минтақа саноатини ривожланиш даражасини баҳолашда минтақа саноатини омил ва натижавий кўрсаткичларини баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун минтақа саноат корхоналарида, аввало, моддий техник ҳолатнинг асосий қисмини ташкил этувчи асосий фондлар ҳолати ўрганилади ва таҳлил қилинади. Асосий фондлар ҳолати саноат корхоналарини моддий техник таъминоти ҳамда сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга тайёргарлик даражасини кўрсатади. Саноат корхоналарини асосий фондларини яроқлилик фоизи сифат кўрсаткичини белгилаб беради.




1 –расм. Вилоятда саноат корхоналарини асосий фондлар ҳолати

Вилоят саноат корхоналари асосий фондларини яроқлилик фоизи республика кўрсаткичидан баланддир. Ушбу кооффициент асосий воситаларни техник ҳолатини тавсифлайди. Яроқлилик кооффициенти қанчалик юқори бўлса, саноат корхоналарини асосий воситаларини техник ҳолати шунчалик яхши бўлади. Ушбу кооффициентнинг шартли нормаси 0,5дан баланд ҳисобланади. Республикада ҳам, вилоятда ҳам ушбу кўрсаткич 0,5дан катта эканлиги ижобий ҳолат сифатида баҳоланади *(Batirova N., 2017:12)*.



2 –расм. Вилоятда саноат корхоналарини асосий фондлар ҳолати

Шунингдек, саноатда банд аҳолига тўғри келувчи асосий воситалар қиймати ҳам республика ўртача қийматидан юқоридир. Бу эса вилоятнинг саноат ишлаб чиқариш имкониятларини кўрсатади. Республика саноат ишлаб чиқаришида асосий воситаларининг 15%и вилоят ҳиссасига тўғри келади.






3-расм. Вилоятда асосий фондлар қиймати (йил бошига ҳолати)

Вилоятда асосий фондларнинг янгиланиш кооффициенти йилдан йилга пасаётгани, сўнгги пайтларда вилоят саноат корхоналарини асосий воситаларнинг янгиланишига кам

эътибор қаратаётганини кўрсатади. Бу эса саноат корхоналарини моддий техник базасини ёмонлашиш ҳолатига олиб келади. Шунингдек, асосий воситаларни янгиланиб бориш жараёни суст кечишини кўрсатади *(Batirova N., 2018:184)*. Асосий воситаларнинг янгиланиш кооффициентини ошиши саноат корхоналарини асосий воситалари таркибида янги машина ва ускуналарни ортишини англатади. Бу эса янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайишига, унинг сифати ва рақобатбардошлигини ошишига шарт-шароит яратади. Янгиланиш кооффициенти қанчалик баланд бўлса, минтақанинг техник салоҳияти шунчалик юқори бўлади. Саноат корхоналарининг янгиланиш ва чиқиб кетиш кооффициентини таҳлил қилсак, 2013 йилда асосий воситаларни ўсиш кооффициенти 13,8%ни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб ушбу кўрсаткич 10,2%ни ташкил этган. Ушбу ҳолат ҳам асосий воситаларни ўсиш кооффициентини 2013-2015 йилларда 3,6%га камайганини кўрсатади.



4-расм. Вилоятда саноат корхоналарида асосий воситаларнинг янгиланиш ва эскириш коэфициенти

Шу сабабли вилоят саноат корхоналарини асосий фондларини янгилашга алоҳида эътибор қаратиш лозимдир. Бу муаммонинг йилдан йилга ечими асосий воситаларга қилинаётган инвестиция ҳажмини оширишдадир. Республика миқёсида жами асосий воситаларнинг ўртача 33% саноат тармоғидаги асосий воситалар ташкил этади. Вилоятда эса республикадаги асосий воситаларнинг 13,1%и жойлашган бўлиб, саноатда фойдаланиладиган асосий воситалар қиймати йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

1-жадвал

Асосий воситаларга инвестициялар (жорий нархларда)

	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Тошкент вилояти (млрд.сўм)	2005,8	3195,2	4021,7	4428,1	4238,7	5938,4	11226,9
Республикадаги ҳиссаси (%)	8,2	10,5	10,7	9,9	8,3	8,2	9,0

Демак, минтақа саноат мажмуасини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири бўлган асосий фондлари билан таъминланганлиги ва сифат даражасини вилоят бўйича қониқарли баҳолаш мумкин. Шунингдек, вилоятда ҳамда мамлакатда асосий воситалар қийматининг ўсиши кузатилаётганини ижобий ҳолат сифатида кўриш мумкин.

Саноат мажмуасини яна бир ресурси бўлиб саноат корхоналарининг кадрлар салоҳияти ҳисобланади *(Batirova N., 2017:13)*. Миқдорий ва сифат нуқтаи назаридан кадрлар тузилмаси саноатни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Вилоят саноатида банд аҳоли 259,3 минг кишини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич вилоятда банд аҳолининг ўртача 20%ни ташкил этади. Саноат мажмуасидаги ходимлар сони йиллар давомида деярли ўзгармаган. Бу юқори бўлмаган иш ҳақи, меҳнат шароити туфайли содир бўлган бўлиши мумкин.



5-расм. Тошкент вилояти саноат корхоналарини меҳнат ресурслари ҳолати индекси

Вилоятдаги банд аҳолининг 20%игина саноатда бандлиги аҳолининг асосий қисми бошқа тармоқда бандлигини кўрсатади. Минтақадаги иш ҳақи йилдан йилга ошиб бормоқда. Саноат тармоғида ўртача иш ҳақи 2018 йилда 2932,6 минг сўмни ташкил этган (вилоятда ўртача иш ҳақи 2063,1 минг сўмни ташкил этди). Олмалиқ, Бекобод, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Қибрай, Зангиота, Оҳангарон ва Янгийўл туманларида саноат тармоғи муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли, бу ҳудудларда банд аҳолининг ўсиш суръати бошқа ҳудудлардан юқоридир. Вилоятда юқори малакали мутахассисларга талабнинг ортиб бориши саноатда иқтисодий ўсиш учун асос бўлиб хизмат қилади *(Batirova N., 2017:1 5)*.

Меҳнат салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг асосий қисмини реал сектор ва саноат тармоқлари жадал суръатларда ривожланаётган ҳудудлар ташкил этади. Бу эса қолган ҳудудларида ҳам ишчи кучи сифатини ошириш ҳисобига саноат корхоналарини кўпайтириш заруратини талаб этади.

Минтақада саноат ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи муҳим омиллардан бири

инвестиция омили ҳисобланади. Вилоят инвестицион фаоллиги бўйича бошқа ҳудудлардан юқори туради. Вилоятга киритилган инвестицияларнинг деярли ярми саноат тармоғига йўналтирилмоқда. Саноат тармоқларидан электроэнергетика, металлургия, кўмир ва озиқ-овқат, тўқимачилик ва резина, пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш саноат тармоқларига йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг юқорилиги вилоятда инвестициялар хажмини ялпи кўпайиб боришига асосий туртки бўлмоқда. Аммо саноатнинг инновацион тармоқлари бўлган машинасозлик, электротехника, фармавцевтика ва кимё соҳаларига киритилаётган инвестициялар ҳажми паст даражани ташкил этмоқда. Таркибий нуқтаи назардан эса вилоятда корхона ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан инвестицияни жалб этиш камайиб, инвестициялар таркибида жалб қилинган маблағлар улуши ортиб бормоқда. 2005-2018 йилларда вилоятда банк кредитлари ва бошқа заёмларни умумий инвестициялардаги улуши 5,8%дан 19,5%га етди. Бу эса тижорат банкларининг кредит бериш қобилияти ошганлигини кўрсатади *(Gulyamova G., 2017:675)*. Вилоятга киритилган инвестициялар таркибида тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар 2016 йилда 5,7 %дан 2018 йилга келиб 13,9% (республикада ушбу кўрсаткич 13,7%) ни ташкил этган. Вилоятга катта миқдорда инвестицияларнинг жалб этилиши саноат ишлаб чиқариш ўсиш даражасини юқори бўлишига олиб келади. Аммо, юқоридаги кўрсаткичлар аввалги йилларга нисбатан ошган бўлсада, бу ҳолат вилоятда саноат ишлаб чиқаришини юқори даражада модернизациялашуви ва технологик янгиланиш жараёнини ўта фаол бўлаётганидан далолат бермаяпти.

Вилоятдаги инвестицияларнинг деярли ярми шаҳарларга йўналтирилганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ҳудудда саноат тармоғидаги инвестицион лойиҳаларга асосий маблағ йўналтирилаётганини, ҳамда уларда йирик ишлаб чиқариш объектлари жойлашганини кўрсатади. Минтақа ва унинг туманларини инвестицион жозибадорлигини шунга деярли мос тарзда эканлигини кўриш мумкин. Хориж капитали иштирокидаги корхоналар ҳам, асосан, инвестицион жозибадор ҳудудларда жойлашгандир.

Вилоятда хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг 62,5% саноат тармоғига тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг сони ҳам туман ва шаҳарларда кескин фарқ қилади. Жумладан, Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари ҳамда Зангиота, Қибрай, Янгийўл туманларида асосий хориж капитали иштирокидаги саноат корхоналари жойлашгандир. Бундай ҳолатнинг давомли амалга ошиши ушбу ҳудудлар ўртасида тафовутни янада кўпайиши каби муаммони келтириб чиқариши мумкин *(Gulyamova G.., 2019:68)*.

Туманлар кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан йилга ўсиши минтақада саноат салоҳиятини ошиб бораётганини кўрсатади. 2000-2018 йиллар давомида барча туманларда саноат ишлаб чиқаришида ўсиш бўлган. Оҳангарон, Нурафшон, Чирчиқ шаҳарларида ҳамда Зангиота ва Қибрай туманларида ўртача ўсиш суръатлари кўзга ташланмоқда. Албатта, бу ҳудудлар энг замонавий техник воситалар билан жиҳозланган, экспортга йўналтирилган йирик саноат корхоналарини жойлашганлиги, озиқ-овқат, металлургия, кимё саноати тармоқларидаги сифат ўзгаришлари ижобий таъсир кўрсатган.

Вилоятда саноат ишлаб чиқаришга маълум бир ҳудуларнигина ихтисослашганлиги ҳам салбий ҳолатдир. Туман ва шаҳарлардаги аҳоли жон бошига тўғри келувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми саноатга ихтисослашган ҳудулардагина республиканикидан юқори эканлигини кўрсатмоқда. Минтақаларда саноатнинг устун тармоқларини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аммо минтақада саноат таркибида хом ашё товарларини ишлаб чиқариш устунлик қилмоқда. Тошкент вилоятида ҳудуд таркибида туман ва шаҳарлар ўртасида саноат маҳсулотини аҳоли жон бошига нисбатан энг катта кўрсаткич билан энг кичик кўрсаткич ўртасида тафовут 37 мартани ташкил этади. Ҳудудлар ўртасидаги бундай катта тафовут, аввало, табиий ресурсларга бой бўлган йирик инвестиция лойиҳалари амалга ошувчи баъзи ҳудудларга инвестицияларнинг юқори концентрацияси ҳолати учрамоқда.

Қазиб олиш, қайта ишлаб чиқариш тармоқларини ривожланишидаги ўзаро номутаносиблик саноатдаги тизимли ассимметриядан далолат беради. Тоғ-кон саноати вилоят саноат ишлаб чиқаришида 13,1%ни ташкил этади. Маҳаллий салоҳият ва ресурслардан унумли фойдаланиш, вилоятдаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманларни ҳам умумвилоят саноат ишлаб чиқаришдаги аҳамиятини оширмоқда. Вилоятнинг шаҳар ва туманлари орасида аҳоли жон бошига тўғри келувчи саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича республика кўрсаткичларига нисбатан паст даражали ҳудудларнинг йўқлигини кўрмоқдамиз *(Tukhliyev N., 2020:24)*. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўртача республиканикидан юқори бўлган туман ва шаҳарларнинг сони йилдан йилга ошиб бораётгани албатта ижобий ҳолатдир. Аммо табиий иқтисодий ва тадбиркорлик салоҳиятидан номутаносиб фойдаланиш инвестиция ресурсларни жалб қилиш

бўйича фарқини кучайтирмоқда. Баъзи туманларда (туман номлари) хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг мавжуд эмаслиги саноат ишлаб чиқаришини техник ва технологик модернизациясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент вилоятида Саноат тармоқларини самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган 2017-2021 йиллардаги стратегик ривожлантириш дастурида асосий эътибор инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган. Ушбу инвестициялар энергетика, нефть-газ кимё, кимё, тўқимачилик, енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик, автомобилсозлик, фармацевтика, қурилиш материаллари саноат тармоқларида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларни чуқур қайта ишлаш ҳамда ушбу тармоқларни жадал ривожлантиришга ҳамда ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилган. Кимё саноат тармоғида ишлаб чиқариш ва техник базанинг юқорилиги, рақобат устунлиги, ушбу соҳани жадал ривожлантириш, модернизация қилишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, тўқимачилик, енгил саноат, машинасозлик саноатида модернизация ишларини амалга оширилиши, вертикал интеграциялашган янги замонавий мажмуаларни қурилиши ҳам ушбу соҳада қайта ишлаш ҳажмини ошириш имконини беради. Республиканинг ҳозирдаги инновацион ривожланиш кўрсаткичлари юқори ҳисобланмайди. Бу эса биз ўрганаётган минтақада ҳам ҳолат шундай эканлигидан далолат беради.

Демак, ҳудудда инновацион ривожланишда юқори кўрсаткичларга эришиш учун, аввало, саноат тараққиётига эришишимиз муҳим ҳисобланади. Саноат тараққиётининг истиқболдаги стратегик мақсади бу узлуксиз модернизация қилиш ва корхоналарни технологик қайта қуроллантириш, инновацияни жорий этиш асосида қайта ишлаш саноатини устувор ривожлантириш ва янги юқори технологик маҳсулотлар яратиш ҳисобланади. Минтақа саноатини инновацион ривожлантириш жараёнида, инновацияларни ўз даражалари бўйича тўғри ажратиш, яъни асосий, такомиллаштирилган ва сохта инновацияларга бўлиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Вилоят юксак технологик, замонавий ишлаб чиқаришларни яратиш ҳисобига минтақада иқтисодий самарадорликни оширишга интилмоқда. Бундай шароитда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувнинг энг муҳим вазифалардан бири маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади. Бу йўналишда минтақа саноатини инновацион ривожлантиришнинг муҳим шаклларидан бўлган технопарклар, кичик саноат зоналари, эркин иқтисодий ҳудудлар ва инновацион кластерларини ташкил этиш асосий масалалардан биридир. Ушбу шаклларни яратиш жараёнида технологик инновацияларга йўналтирилган харажатлар алоҳида аҳамият касб этади. Албатта, технологик инновацион харажатлар манбаларида давлат бюджетини қай даражада ўрин эгаллаши, ушбу йўналишда давлат бошқарувининг инновацион соҳани ривожлантиришга эътиборини акс эттиради. Канадада технологик инновацияларга қилинадиган харажатларнинг 70,8%и давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади. Нидерландияда бу кўрсаткич 42,6%ни, Финляндияда 24,5%ни, Японияда 24,5%ни, Германияда эса 21%ни, Россияда 23,6%ни ташкил этади *(Mityakov N., 2018:12)*. Ўзбекистонда технологик инновацияга 2018 йилда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар бор йўғи 0,02%ни ташкил этди. Вилоятда эса бюджет маблағлари ҳисобидан бу йўналишга харажатлар умуман йўналтирилмаган.

Умуман олганда, ҳудуддаги саноат корхоналарининг технологик инновацияларига сарфланадиган харажатлар таркиби инновацион фаолият турлари бўйича маълум номутаносибликларни кўрсатмоқда. Европанинг кўпгина етакчи мамлакатларида тадқиқот ва ишланмаларга сарфланадиган харажатлар машина ва ускуналарни сотиб олиш харажатларидан ошади, бу эса инновацион маҳсулотларнинг юқори даражадаги рақобатбардошлигини таъминлайди. Шундай қилиб, Германияда ушбу харажатлар мос равишда технологик инновацияларнинг 46,9 ва 23,5%ни, Швецияда - 53 ва 10%ни, Белгияда - 50,1 ва 23.9% ни, Испанияда - 55 ва 18,9%ни, Францияда - 55,8 ва 15%ни, Австрияда - 68,6 ва 18,1%ни, Буюк Британияда мос равишда - 50.1 ва 23.9%ни, Россияда 30 ва 34,5%ни ташкил этади *(Mityakov N., 2018:16)*. Тошкент вилоятида эса технологик инновацияларни 76%и машина ва ускуналарни сотиб олишга йўналтирилмоқда.

Инновация самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичи «Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида инновацион маҳсулотларнинг улуши» дир. Ушбу кўрсаткич мамлакатда 8,76%ни, вилоятда эса 7,14% ни ташкил этади. Таққослаш учун, Буюк Британияда бажарилган маҳсулот ва хизматлар умумий ҳажмида инновацион маҳсулотлар улуши 20,8%, Германияда - 13,3%, Испанияда - 15,9%, Голландияда - 10,8%, Швейцарияда - 19,5%, Белгияда - 7,6%, Францияда - 15%, Швецияда - 6,9%, Россияда-8,4%ни ташкил этади *(Mityakov N., 2018:22)*.. Юқоридаги кўрсаткичлар, биринчи ўринда минтақадаги саноат корхоналарининг

инновацион фаолиятига тўсқинлик қилувчи омиллар тўғрисида маълумот олишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади. Вилоятдаги инновацияларни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи асосий омиллар қаторига қуйидагилар киради: маблағларнинг етишмаслиги, инновацияларнинг юқори нархи, давлат ёрдамининг етишмаслигидир. Минтақанинг барқарор ривожланишига таъсир этувчи инновацияларнинг энг муҳим натижалари сифатида товарлар, ишлар, хизматлар сифатининг яхшиланиши, товарлар, ишлар, хизматлар турлари, маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтиришдир. Шунингдек, инновацияларни рағбатлантирувчи ахборот манбалари корхоналар учун муҳимлигини таҳлил қилишдир. Статистикага кўра, интернет манбалари ва истеъмолчилар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар - илмий мақолалар, кўргазмалар ва бошқалар маълумот манбалари орасида устунлик қилади, аммо академик, тармоқ илмий ташкилотлари, университетларнинг ахборотлари эса кучсиз манба сифатида баҳоланади. Бу эса инновацион алоқа ҳозирги вақтда минтақавий инновацион тизимнинг энг заиф бўғини эканлигидан далолат беради.

НАТИЖАЛАР

Демак, агар минтақа асосан саноат ва қишлоқ хўжалигидан иборат бўлса, узоқ муддатли истиқболда қишлоқ хўжалиги тармоғининг номутаносиблиги (норақобатбардош) ёки саноат тармоғидаги етарли даражада бўлмаган рақобат ишлаб чиқарилаётган саноат товарларининг тузилмавий ўзгармаслигига ёки меҳнат миграцияси кўринишида меҳнат ресурсларини фаоллилигига олиб келади. Бундай жараёнларнинг ривожланиши алоҳида ҳудудларнинг инсон капитали сифатини янада пасайишига олиб келиши кузатилади. Муайян ҳудудларда эса ишлаб чиқариш қувватининг концентрацияси, уларнинг ҳажми ва ижобий ташқи таъсирлар ушбу ҳудудларга устунлик имкониятини бермоқда. Вилоятнинг пойтахт билан чегарадошлиги, иқтисодий тузилиши, ўсиш ҳажми ва динамикаси ушбу минтақани "ўсиш ҳудудида" ривожланишга эгалигини кўрсатади *(Batirova N., 2019:27)*. Саноат соҳасида минтақанинг "ўсиш нуқталари"га баҳо берсак, тармоқдаги ҳиссаси ҳамда охирги уч йилдаги ўртача кўрсаткичига кўра қайта ишлаш саноатида металлургия саноати, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларни ишлаб чиқари, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим-кечаклар ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш тармоқлари алоҳида ажралиб туради. Сўнгги тармоқни ҳисобга олмаса қолганлари юқори технологик саноат тармоқларига мос келмайди. Шунингдек, баъзи туманларни экспортга ихтисослашуви ҳамда иқтисодий ўсишда олдиндалиги бошқа туманларни ўсиши учун синергетик самарани бермайди. Узоқ муддатли истиқболда фақатгина баъзи туман ва шаҳарларни ривожланиши туман ва шаҳарларни иқтисодий ижтимоий ҳолати ўртасида мутаносибликни кучайишига, шаҳар ҳудудларида ёлғон урбанизациянинг шаклланишига олиб келади. Маҳаллий агломерация нуқталари бўлмиш Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ каби саноат марказлари амалда атрофидаги туманларга синергетик самара бермаяпти. Бошқа туманларни, аввало, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманларни орқада қолиши ҳисобига фақатгина бир қанча агломерацияларни ривожланиши ижтимоий таранг ҳудудларни юзага келишига сабаб бўлади. Вилоят ривожланган қазиб олувчи ва қайта ишловчи саноат тармоқларига эгадир. Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ ва Охангарон каби каби саноат марказларидагина асосий саноат қувватларини жойлаштирилиши юқори дифференцияни юзага келтиради. Қишлоқ жойлари иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчилик қилмоқда. Тошкент вилоятини бой кўмир конига эгалиги ҳамда жаҳон бозорида кимё ва нефт кимё саноати маҳсулотларига талабнинг ошиши ёқилғи энергетика саноати мажмуасига товар турлари ва экспортни кенгайтириш имконини берди. Аммо жаҳон бозорида хом ашё ресурслари рақобатбардошлиги ва нархнинг тебраниши шароитида, саноат тармоқларини диверсификациялашмаганлиги вилоят иқтисодиётини жиддий ҳолатларга олиб келиши мумкин*(Batirova N., 2017:15)*. Шу сабабли вилоятда хом ашё сегментини кенгайтириш билан бир қаторда ҳом ашёни чуқур қайта ишлаш бўйича жиддий чоралар кўриш, бу билан саноатнинг иккиламчи технологик тармоғини ривожлантириш имкониятини яратиш лозим. Пахта толасини чуқур қайта ишлаш эса, бир томондан, вилоятни енгил саноатда ривожланишига, иккинчи томондан эса янги технологияларни тадбиқ этган ҳолда маҳсулотларни экспорт қилиш имконини бермоқда. Озиқ овқат саноатида консерва ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенгроқ ўринга эга бўлмоқда.

ХУЛОСА

Минтақа саноатини ривожлантириш хусусиятларини ўрганиш жараёнида минтақани фақатгина унинг туман ва шаҳарлари нуқтаи назаридан эмас, балки минтақадаги саноат тармоғи таркибини ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бу йўналишда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– Ривожланишдаги мавжуд ҳудудлар ўртасидаги номувозанатлиликни йўқотиш, саноат мажмуасининг янги юқори технологик тармоқ соҳаларини тараққий эттириш бўйича ишларни жадаллаштириш тавсия этилади.

– Иқтисодиётда саноат тармоқларни ривожланиши, ўзининг асосий вазифаларидан ташқари, субъект сифатида вилоят фаолияти самарасини, минтақанинг инновацион фаоллиги ва инвестицион жараёнларини фаоллаштиради. Минтақа саноат мажмуасини ривожлантиришнинг йўналишларидан бири бўлган саноатни инновацион тармоқлари, ҳамда саноат кластерларини яратиш ёки ривожлантириш зарурдир. Албатта, бунинг учун минтақадаги шарт шароитларни ҳисобга олиш зарурдир (моддий техник базанинг мавжудлиги, ҳом ашё ресурслари, маҳсулотга талаб ҳамда технологик заҳиралар).

– Минтақа саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашув ва маҳаллийлаштириш коэффициентлари, ҳамда саноат мажмуасининг асосий фаолияти бўйича кластер коэффициэнтларини ҳисоблаб чиқиш орқали вилоятда рақобат устунлигига эга саноат тармоқларини ажратиб кўрсатиш зарурдир *(Batirova N., 2020:193)*.

Демак, вилоятнинг саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун, географик жойлашувдан оқилона, махсус индустриал зона ва технопарклар салоҳиятидан тўғри, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш лозим. Шунингдек, саноатни инновацион ривожланиш даражасини алоҳида таҳлил қилиш ҳамда инновацион тармоқларини ривожланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу эса вилоятнинг қишлоқ туманларида ҳам саноатнинг ривожланишига ижобий таъсир қилишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев, Р. В., & Ботирова, Н. Ш. (2016). Ўзбекистон Республикасида саноатлаштириш жараёни ва унинг истиқболлари. Экономика и финансы (Узбекистан), (9).
2. Batirova, N. S., & Tohirov, S. (2019). IMPORTANCE OF FOREIGN ECONOMIC RELATIONS IN INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE REGION'S INDUSTRY. In EUROPEAN RESEARCH (pp. 145-149).
3. Batirova, N. S. (2019). Theoretical aspects of the innovative development of the region. In science and education: problems and innovations (pp. 120-124).
4. Batirova, N. S. (2018). FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF THE TASHKENT REGION IN AN INNOVATIVE ECONOMY. European Journal of Humanities and Social Sciences, (6), 159-162.
5. BATIROVA, N. (2018). THE INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE INDUSTRY IN TASHKENT REGION. The Light of Islam, 2018(4), 51-57.
6. Batirova, N. (2019). FEATURES OF INDUSTRIAL DEVELOPMENT OF THE TASHKENT REGION. The Light of Islam, 2019(4), 40.
7. Batirova, N. Sh. (2018). FEATURES OF DEVELOPMENT OF TASHKENT REGION IN THE CONDITIONS OF INNOVATIVE ECONOMY. In EURASIAN ECONOMIC CONFERENCE (pp. 184-187).
8. Batirova, N. (2017). PROCESS OF INDUSTRY AND ITS PROSPECTS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.Theoretical & Applied Science, (8), 12-18.
9. Батирова, Н. Ш. (2017). Важность инновационной промышленности в развитии национальной экономики. Актуальные научные исследования в современном мире, (7-1), 63-66.
10. Батирова Н.Ш. (2017) Роль внешне экономического фактора в процессе индустриализации в развивающихся странах (на примере Узбекистана). Europen Scientific Conference: сборник статей. V Международной научно-практической конференции. В 3 ч. Ч.2. –Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение» 2017. – С. 56-60.
11. Batirova, N. (2020). Tendencies of development of high technology industry in Tashkent region. The Light of Islam, 2020(2), 193-198.
12. Батирова Н., Бозорова Ш. (2017) Роль промышленно в развитие Ташкентского области. Актуальные научные исследования в современном мире. Журнал. Выпуск 11(55). Украина, Переяслав-хмельницкий 2019. –С. 21-27.
13. Батирова Н. (2019) Теоретические аспекты инновационного развития региона. Актуальные научные исследования в современном мире. Журнал. Выпуск 8(52). Украина, Переяслав-хмельницкий. – С. 26-33.
14. Батирова Н. Ш. (2019) Минтақа саноати инновацион ривожланишининг назарий жиҳатлари. Иқтисод ва молия. – Тошкент, - № 7. – Б. 49-55.
15. Батирова Н.Ш. Гуляев Г. (2019) Роль внешнеэкономических отношений в инновационном развитии промышленности региона. Экономика и предпринимательство: актуальные вопросы, тенденции и перспективы развития. Сборник научных статей. Пенза, - С. 42-49.
16. Батирова Н., Тўлқинов Д. (2019) Инновационное развитие промышленности региона. Научные исследования высшей школы.Сборник статей международной научно-практической конференции. Пенза, Наука и Просвещение. – С. 145-147.
17. Batirova, N. (2017). Process promyshlennosti i ego perspektivy v respublike uzbekistan. Theoretical & Applied Science, (8), 12-18.
18. Батирова Н.Ш. (2018) Особенности развития Ташкентской области в условиях инновационной экономики. Евразийская экономическая конференция.

Сборник статей III международной научно-практической конференции. Пенза: Наука и Просвещение, 2018.- С.184-188.
19. Bhadouria, P. S. GWALIOR MANAGEMENT ACADEMY. WAY, 87.
20. Добрынин, А.И. (1999) Человеческий капитал в транзитивнойэкономике: формирование, оценка, эффективность использования / А.И. Добрынин,С.А. Дятлов, Е.Д. Цыренова. – СПб.: Наука, 309 с.
21. Элбеков Ў.Н., Ишбетаев Х.М., Исломова Р.А. (2004) Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш механизми. Кончилик хабарномаси илмий-техник ва ишлаб чиқариш журнали №16. 2004 йил. 113 бет. 71-бет
22. Gulyamova PhD, G. (2019). FEATURES OF FORMATION OF THE CONCEPT OF THE NATIONAL INNOVATION SYSTEM. The Light of Islam, 2019(4), 38.
23. Гулямова Г.П. Формирование конкурентной бизнес среды в узбекистане. Фундаментальные и прикладные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации. Стр. 66-69.
24. Tukhliev, N., Abdullayev, R., Gulnora, G., Batirova, N., & Uktam, J. (2020). Contemporary Trends in International Economic Integration: Challenges and Prospects. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(2).
25. Махмудов Э.Х., Ортиқов А., Каримов Ф. Корхона иқтисодиётнинг асосий бўғини./Ҳамкор. 2010 йил 7 февраль
26. Маҳкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях республики Узбекистан. Ташкент 2004.
27. Митяков. С.Н. (2018) Инновационное развитие регионов России: отраслевой разрез. №2 (232), Стр. 47-58.
28. Qodirov A.M., G'ulomova G.P., Ahmedieva A.T., Alimova N.R. Milliy iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish. Monografiya.-T.: "Iqtisodiyot", 2013. 436 b.
29. Содиқов А.М. Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишива уни тартибга солиш механизмлари. Тошкент-2006 йил. http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/30517
30. Стратегия дальнейшего повқшения конкурентоспособности национальной экономики: материалқ 1-го Форума экономистов/отв.ред. М.П.Нарзикулов. Ташкент. 2012. С. 8.
31. Statistik byulliten. 2018 yilda O'zbekiston Respublikasining ilmiy-texnikaviy salohiyati va innovatsiyalar rivojlanishining asosiy ko'rsatkichlari. Davlat statistika qo'mitasi, Ta'lim, sog'liqni saqlash, fan va innovatsiya sohalarida statistik kuzatuvlar bo'limi. № 15-12. 25.05.2018. 339 b.
32. Tukhliev, N., Abdullayev, R., Gulnora, G., Batirova, N., & Uktam, J. (2020). Contemporary Trends in International Economic Integration: Challenges and Prospects. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(2).
33. Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менеджмент-Т.: ТДИУ. Дарслик 2011. 286 бет.
34. Zaynutdinov SH.N. Innovatsion salohiyatni oshirish strategiyasi//Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnali. №1, sentyabr 2011.
35. Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электронмитя журнали. №1, сентябр 2011.

REFERENCES

1. Abdullaev, R. V., & Botirova, N. Sh. (2016). O'zbekiston Respublikasida sanoatlashtirish zharajoni va uning istiқbollari. Jekonomika i finansy (Uzbekistan), (9).
2. Batirova, N. S., & Tohirov, S. (2019). IMPORTANCE OF FOREIGN ECONOMIC RELATIONS IN INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE REGION'S INDUSTRY. In EUROPEAN RESEARCH (pp. 145-149).
3. Batirova, N. S. (2019). Theoretical aspects of the innovative development of the region. In science and education: problems and innovations (pp. 120-124).
4. Batirova, N. S. (2018). FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF THE TASHKENT REGION IN AN INNOVATIVE ECONOMY. European Journal of Humanities and Social Sciences, (6), 159-162.
5. BATIROVA, N. (2018). THE INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE INDUSTRY IN TASHKENT REGION. The Light of Islam, 2018(4), 51-57.
6. Batirova, N. (2019). FEATURES OF INDUSTRIAL DEVELOPMENT OF THE TASHKENT REGION. The Light of Islam, 2019(4), 40.
7. Batirova, N. Sh. (2018). FEATURES OF DEVELOPMENT OF TASHKENT REGION IN THE CONDITIONS OF INNOVATIVE ECONOMY. In EURASIAN ECONOMIC CONFERENCE (pp. 184-187).
8. Batirova, N. (2017). PROCESS OF INDUSTRY AND ITS PROSPECTS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.Theoretical & Applied Science, (8), 12-18.
9. Batirova, N. Sh. (2017). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE INDUSTRY IN THE DEVELOPMENT OF NATIONAL ECONOMY. Actual scientific research in the modern world, (7-1), 63-66.
10. Batirova, N. Sh. (2017). ROLE OF EXTERNAL ECONOMIC FACTOR IN THE PROCESS OF INDUSTRIALIZATION IN DEVELOPING COUNTRIES (on the example of Uzbekistan).In European Scientific Conference (pp. 56-59).
11. Batirova, N. (2020). Tendencies of development of high technology industry in Tashkent region. The Light of Islam, 2020(2), 193-198.

12. Batirova, N. Sh., & Bozorova, Sh. I. (2019). ROL" PROMYShLENNOSTI V RAZVITIE TAShKENTSKOGO OBLASTI. Aktual'nye nauchnye issledovanija v sovremennom mire, (11-2), 21-26.
13. Batirova, N. Sh. (2019). TEORETIChESKIE ASPEKTY INNOVACIONNOGO RAZVITIJa REGIONA. Aktual'nye nauchnye issledovanija v sovremennom mire, (8-1), 26-32.
14. Batirova, N. Sh. (2019). MINTAQA SANOATI INNOVACION RIVOZhLANIShINING NAZARIJ ZhIHATLARI. Jekonomika i finansy (Uzbekistan), (7).
15. Batirova, N. Sh., & Guljaev, G. Ju. (2019). ROL" VNEShNEJeKONOMIChESKIH OTNOShENIJ V INNOVACIONNOM RAZVITII PROMYShLENNOSTI REGIONA. In JeKONOMIKA I PREDPRINIMATEL"STVO: AKTUAL"NYE VOPROSY, TENDENCII I PERSPEKTIVY RAZVITIJa (pp. 42-47).
16. Batirova, N. Sh., & Tўlқinov, D. Қ. (2019). INNOVACIONNOE RAZVITIE PROMYShLENNOSTI REGIONA. In NAUChNYE ISSLEDOVANIJa VYSShEJ ShKOLY (pp. 145-147).
17. Batirova, N. (2017). Process promyshlennosti i ego perspektivy v respublike uzbekistan. Theoretical & Applied Science, (8), 12-18.
18. Batirova, N. Sh. (2018). OSOBENNOSTI RAZVITIJa TAShKENTSKOJ OBLASTI V USLOVIJaH INNOVACIONNOJ JeKONOMIKI. In EVRAZIJSKAJa JeKONOMIChESKAJa KONFERENCIJa (pp. 184-187).
19. Batirova, N. Sh. (2017). ROL" VNEShNE JeKONOMIChESKOGO FAKTORA V PROCESSE INDUSTRIALIZACII V RAZVIVAJuShhIHSJa STRANAH (na primere Uzbekistana). In European Scientific Conference (pp. 56-59).
20. Bhadouria, P. S. GWALIOR MANAGEMENT ACADEMY. WAY, 87.
21. Dobrinin A.I. CHelovecheskiy kapital v tranzitivnoy ekonomike: formirovaniye, otsenka, effektivnost ispolzovaniya / A.I. Dobrinin,S.A. Dyatlov, Ye.D. TSirenova. – CPb.: Nauka, 1999. 309 s.
22. Elbekov O'.N., Ishbetaev X.M., Islomova R.A. O'zbekiston Respublikasida tadbirkorlik faoliyatini tashkil etishni takomillashtirish mexanizmi. Konchilik xabarnomasi ilmiy-texnik va ishlab chiqarish jurnali №16. 2004 yil. 113 bet.
23. Gulyamova PhD, G. (2019). FEATURES OF FORMATION OF THE CONCEPT OF THE NATIONAL INNOVATION SYSTEM. The Light of Islam, 2019(4), 38.
24. Guljamova, G. P. (2017). FORMIROVANIE KONKURENTNOJ BIZNES SREDY V UZBEKISTANE. In Fundamental'nye i prikladnye nauchnye issledovanija: aktual'nye voprosy, dostizhenija i innovacii (pp. 66-69).Tukhliev, N., Abdullayev, R., Gulnora, G., Batirova, N., & Uktam, J. (2020). Contemporary Trends in International Economic Integration: Challenges and Prospects. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(2).
25. Maxmudov E.X., Ortiqov A., Karimov F. Korxona iqtisodiyotning asosiy bo'g'ini./Hamkor. 2010 yil 7 fevral
26. Mahkamova M.A (2004). Formirovanie organizatsionno-ekonomicheskogo mexanizma upravleniya innovatsionnoy deyatelnostyu na promishlennix predpriyatiyax respubliki Uzbekistan. Tashkent 2004.
27. Maxmudov E.X., Ortiqov A., Karimov F. Korxona iqtisodiyotning asosiy bo'g'ini./Hamkor. 2010 yil 7 fevral
28. Mityakov S.N. i drugie. Innovatsionnoe razvitie regionov Rossii: metodika reytingovaniya. Jurnal innovatsiya. №9 (227) 2017. Str. 97-104.
29. Qodirov A.M., G'ulomova G.P., Ahmedieva A.T., Alimova N.R. Milliy iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish. Monografiya.-T.: "Iqtisodiyot", 2013. 436 b.
30. Sodiqov A.M. O'zbekiston mintaqalarining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiva uni tartibga solish mexanizmlari. Toshkent-2006 yil.
31. Strategiya dalneyshego povisheniya konkurentosposobnosti natsionalnoy ekonomiki: material 1-go Foruma ekonomistov/otv.red. M.P.Narzikulov. Tashkent. 2012. S. 8.
32. Statistik byulliten. 2018 yilda O'zbekiston Respublikasining ilmiy-texnikaviy salohiyati va innovatsiyalar rivojlanishining asosiy ko'rsatkichlari. Davlat statistika qo'mitasi, Ta'lim, sog'liqni saqlash, fan va innovatsiya sohalarida statistik kuzatuvlar bo'limi. № 15-12. 25.05.2018. 339 b.
33. Tukhliev, N., Abdullayev, R., Gulnora, G., Batirova, N., & Uktam, J. (2020). Contemporary Trends in International Economic Integration: Challenges and Prospects. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(2).
34. Yo'ldoshev N.Q., Mirsaidova SH.A., Goldman Y.D. Innovatsion menedjment-T.: TDIU. Darslik 2011. 286 bet.
35. Zaynutdinov SH.N. Innovatsion salohiyatni oshirish strategiyasi//Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnali. №1, sentyabr 2011.